



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 194 (9840).

1990 йил
11 октябрь
пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг

1990 йил 9 октябрь қарори

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Уставининг 29-параграфида мувофиқ КПСС Марказий Комитети фаолиятининг асосий йўналишлари билан шугullanувчи: мафкуралар; иқтисодий-сиёсий; ижтимоий-иқтисодий; КПССнинг аграр сиёсати; хотин-қизлар ва оила масалалари; КПССнинг миллий сиёсати; халқаро сиёсат муаммолари; бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янгилаш доимий комиссиялари тузилсин.

КПСС XXVIII съездида қабул этилган қарорларга мувофиқ КПСС Марказий Комитетининг фан, таълим ва маданият; КПССнинг ёшлар сиёсати масалалари; ҳарбий сиёсат комиссиялари тузилсин.

2. Комиссияларнинг шахсий таркиби ва уларнинг раҳбарлари тасдиқлансин. Комиссияларга КПСС Марказий Комитети аъзоларининг истагига биноан уларнинг бир комиссиядан иккинчисига ўтиш тўғрисидаги масалаларни муҳофаза қилиш ҳақида қарор қабул қилинсин. Бунда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси фақат битта комиссияда бўлиши мумкинлиги асослансин.

3. Маслаҳатчилик КПСС Марказий Комитети комиссияларининг таъинишига биноан КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тасдиқланган деб белгилан қўйилсин.

4. КПСС Марказий Комитети комиссияларининг фаолияти ҳусусиятларини эътиборга олиб шу комиссиялар тўғрисидаги ишларга эга бўлиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. КПСС Марказий Комитетининг комиссияларига 1991 йилги иш режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилсин. КПСС Марказий Комитетининг котибияти бу режаларни умумлаштириб, уларни КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комитетининг аъзоларига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларига, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетларига, ўлка, вилоят партия комитетларига юборсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг
1990 йил 9 октябрь қарори

КПССнинг НОРМАТИВ-МЕТОДИКА
ХУЖЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг котибиятига КПССнинг норматив-методика хужжатлари лойиҳаларини партия ташкилотларида, коммунистлар ўртасида кенг муҳофаза қилишни ушғиртиш топширилсин.
Лойиҳалар партия матбуотида эълон қилинсин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 9 октябрь кунин КПСС Марказий Комитетининг Пленумида мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодий бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳофаза қилиш давом этди.

Мунозарада Украина ССР Полтава район йўл ремонт-қурилиш участкасининг ёш терувиши В. Т. Чуйков, СССР давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети Бутуниттифоқ меҳнатни ташкил этиш илмий марказининг директори А. А. Пригарин, Киров вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. А. Осминин, Туркменистон ССР Вазир-

лар Кенгашининг Раиси Х. А. Аҳмедов, СССР Металлургия вазир С. В. Колпаков, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни иқтисодий факультети сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти А. В. Бузгалин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Э.-А. А. Силлари, Ереван давлат дорилфунуни кафедрасининг муdiri Ю. И. Мкртумян, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, Тожикистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси И. Ҳаёев сўзга чиқдилар.

Пленумда тузилган таҳрир комиссияси номидан

КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дза-сохов нутқ сўзлади.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилиб, муҳофаза қилинганидан кейин шу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари тўғрисида» ва «КПССнинг норматив-методика хужжатлари ҳақида»ги қарорларни ҳам қабул қилди.

Пировардида Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Шу билан Пленум ўз ишини тугаллади.

• ҲОСИЛ—90 •

• ҲОСИЛ—90 •

Вилоят пахтакорлари уйган хирмон кундан-кунга юксалиб борапти. 9 октябрь кунин деҳқонларимиз қабул пунктларига 12 минг 910 тонна пахта топшириб, кунлик суръатини 3,67 фойзга етказдилар. Далаларда ишлатилган 2610 та терим агрегатининг иш унуми ўртача 4,5 тоннани ташкил этди.

Суръатини кўп сабини ошириб бораётган ўрта чирчиқ ноҳияси пахтакорларига ТА-САНИО: УЛАР ЎТган кунин йиллик режаларининг

4,96 фойзи миқдорини пахта топшириб, вилоятда энг юқори натижага эришдилар. Бу ноҳияда ҳар бир машинада 6,4 тоннадан пахта териб олинди.

Бўка, ва Галаба ноҳияларининг пахтакорлари ҳам бўш келишмаяпти. Улар ўтган кунин суръатини 4 фойздан оширдилар.

Ҳимматингизга балли, қадри пахтакорлар, жасоратли механизаторлар, теримчи ўртоқлар!

• Шу сонга келган хушхабарлар

ХИРМОН ТўЛА, ЮЗЛАРИ ЁРУҒ

РўЗНОМАМИЗНИНГ деҳқончилик саноати бўлими телефонлари шу кунларда бир зум ҳам тинмапти. Вилоятимизнинг ноҳияларидан, хўжаликларидан янги-янги қувончи хабарлар келмоқда. Жойларда меҳнатни тўғри ташкил этиш, теримчилар, механизаторларнинг ўз вақтида моддий рағбатлантириб бориш иш унуми ва терим суръатининг юқори бўлишини таъминлаётганлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Машинада ва қўлда терилган пахтага, умуман, теримда иштирок этаётган барча меҳнаткашларга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетининг янги тасвиқлари пахтакорларни янада руҳлантириб юборди. Бизга хабар қилишларича, ҳозирнинг ўзидеёқ бир қатор жамоа ва давлат хўжаликларида машина теримига тўланаётган ҳақ икки баробар оширилди. Бир сўз билан айтганда пахтакор меҳнати қадр топмоқда. Энг муҳими унинг ўз ишиндан қўнғил тўлмоқда.

Қўйда телефон орқали олинган энг сўнгги хушхабарларни эълон қилаймиз.

БўКА. Ноҳиядан бир эмас, уч хўжалик маррага етганлиги ҳақида хушхабар олдик. Теримни мавсум бошидан оқибатга олиш билан ташкил этган Илчи номи жамоа хўжалиги деҳқонлари 1020 гектар майдонининг ҳар гектаридан 26,2 центнердан хом ашё йиғиштириб олиб, давлатга 2670 тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Бу галабага хўжаликнинг Ҳамим Тошпўлатов, Марям Маматова, Юсуф Бойимбетов, Қўжан Юнусов ўртоқлар бошчилиги қилаётган бригадаларнинг жамоалари салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар шу кунгача ҳосилдорликни гектар бошига 28—30

ди. Уларнинг ҳозиргача топширган «оқ олтин»лари 3120 тоннадан ортиб кетди. Ҳосилни тез ва нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда жамоа хўжалиги механизаторлари намуна бўлишди. Аҳмад Омонов, Ғойибназар Санданов, Шокир Исроиллов сингари меҳнат-ҳайдовчилар ўз машиналари бункеридан 140—160 тоннадан пахта тўкишди.

Исроил Аноров, Аҳмад Душабоев, Худойберди Абдуҷабборов, Санд Худойқулов каби тажрибали пахта усталари бошчилиги қилаётган бригадаларда айниқса, мўл ҳосил олинди.

Меҳнатни ташкил этишнинг инжара пудрати имкониятларини «ЛЕНИНИЗМ» жамоа хўжалиги ижарачилари амалда исботлашди. Бу усул омалашган, хўжалик илорлар сафига чиқди. Ўтган кунин эса йиллик пахта тайёрлаш режасин бажаришди. Қабул пунктларига 3110 тоннадан зиёд хом ашё жўнатилди.

Абдували Турсунов, Холбой Тўрабоев, Султон Жиянов ўртоқлар бошчилиги ижарачилар жамоалари ўзлари олган ерларнинг ҳар гектаридан 28—30 центнердан пахта теришди. Бу жамоа хўжалиги аъзолари 1990 йилда ҳосилдорликни 30 центнерга етказишни режалашди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Бу йил теримда намуна бўлаётган бу ноҳиядаги «Северный маяк» ва А. Икромов номи жамоа хўжаликлари ҳам галаба рапортига имзо чекишди. «СЕВЕРНИЙ МАЯК» жамоа хўжалиги деҳқонлари 1307 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта йиғиштириб олиб, давлатга 3400 тоннадан ортиқ хом ашё сотишди. Муваффақиятга хўжаликдаги барча бригадаларнинг жамоалари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Дастлабки доводдан ошилган бўлишига қарамай хўжаликда кунлик суръат 3—4 фойздан тушмаяпти.

А. ИКРОМОВ номи жамоа хўжалиги деҳқонларининг муваффақияти ҳақида гапирилар экан, бир нарсалоҳида кўзга ташланарди. Ҳозиргача давлатга топширилган 2300 тонна пахтанин 90 фойздан ортиғи бирининг сортга сотилди. 95 фойзи машиналар бункеридан тўкилди.

Ноҳия Совети депутати Боймат Тўрабоев, Давлат Холматов, Нўлдош Ҳамроев, Ином Қўлдошев сингари меҳнаткорлар ўз машиналари бункеридан 200—220 тоннадан пахта тўкиб, хирмонга баракка киргиздилар. Бу жамоанин мақсади битта: даладаги ҳосилни сўнгги миқдоргача йиғиб-териб олишди.

сўзиди» совхозига ҳам терим суръати кундан кунга кўтарилиб бораётди. Бригадаларо тартиб билан муносабатда биринчи бўлимининг Турсубой Қирғизбоев бошчилиги қилаётган бригадаси пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти. Бу жамоа ҳозиргача қабул пунктларига 210 тонна хом ашё топширди. Шуниси диққатга сазоворки,

ИККИ БРИГАДА РЕЖАСИНИ БАЖАРДИ

БЕКОВД. Ноҳиядаги яна икки бригада режасини бажарди. Улардан бири — Даяркинский номи жамоа хўжалигининг комсомол-ёшлар бригадасидир. Ёшлар 53 гектар ерга экилган пахтанин ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил олишди, маррага етиб келишди.

Теримчилар Шарифа Орипова, Бувиғул Жумабекова, Тожиқон Абдуҳамидова, Хосият Султоновлар 4—5 тоннадан пахта териб, бригадаларининг олдига бўлишга



СУРАТЧИ А. ИКРОМОВ.

ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ

КОММУНИСТИК ноҳиясининг бу йил ғилорлар сафига бораётганлигини алғари ҳам маълум қилгандик. Ноҳиядаги Жамбул номи жамоа хўжалиги биринчи бўли йиллик режасини бажарган бўлса, унинг кетидан бораётган «Лениннинг йўли» жамоаси маррага қўнлашди қолди. Хўжаликнинг мавсум бошидан бери тўпланган ҳосили 95 фойздан ортиб кетди.

Илғор механизаторлар Тўрабек Тўхтаев, Исроил Махановлар машиналари бункеридан 160 тоннадан ортиб пахта тўкиб, хўжаликнинг 3720 тонналик хирмонига ўзларининг улушларини қўшдилар.

Жамоа далаларида «иш қизғин. Шанба кунин ёғиб ўтган ёмғир ишнинг унумига анчагина таъсир қилган бўлса-да, деҳқонлар яна очилиб кетган ҳавонинг ҳар бир кунидан иложини борича унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

Р. ХУДОЕВОВ.

• ОБУНА—91 •

НУФУЗИ БОР РЎЗНОМА

Мен оддий бир ўқувчи ва қаламқаш сифатида «Тошкент ҳақиқати» рўзномасини шундай атайим келарди. Бунинг бонси бор, албатта. Чунки мазкур рўзнома бошқа матбуот нашрларидан фарқи ўлароқ газетхонларни қизиқтирадиган мавзулардан ўзини ташкил қилиб боради. Мен ҳам 17 йилдан буюн рўзноманин муштарийсиман. Бу орада «Тошкент ҳақиқати» муҳарририяти қолдириш ишчи-қишлоқ муҳбирлари дорилфунунини тургатдим. Ўз мақолаларим билан рўзномага доимий равишда қатнашиб келаяман. Муҳарририятнинг Ҳабибулла Олимжон, Сандвали Ҳасанов, Рихсиниса Усмонова

сингари ишчан ходимлари барча қаламқашлар қатори мендан ҳам ўз ёрдам ва маслаҳатларини аямаяпти. Мақсадим бундан буюн ҳам «вилоятимиз рўзномаси» билан алоқани мустақамлашдир. Шунини айтишим мумкинки, оиламиз эъзолари билан маслаҳатлашиб, энг аввал «Тошкент ҳақиқати» ва «Ёш Ленинчи» рўзномаларига обуна бўлдик. Ўйлаймики, сеvimли рўзномамиз келгуси йилда ўқувчиларни тўқинлантирадиган долзарб мавзулардаги материалларни қўлаб эълон қиларди. Кези келганда баъзи фикр ва мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Зеро муҳарририят ходимлари бу фикр ва мулоҳазаларини ўз

иш режаларида инобатга олишарди. Назаримизда байрам ва шонли саналар арафасида вилотимиз рўзномаси лойтахта янги ноҳиялар, хусусан Орқоникда номи, Калинин номи, шунингдек, Тошкент шаҳри ноҳияларидан материалларни хийла кўпроқ бермоқда. Чунки бу жойлар бошқа ноҳияларга қараганда яқини осон ва тезроқ битади. Бизнингча байрам сонларини тайёрлаётганда албатта узоқ ноҳиялардаги шаҳар ва қишлоқлардан мақолаларни ҳам бир текисда берган маъқул. Бу борада биз қаламқашлар албатта муҳарририят ходимларига ўз ердимишни берамиз.

Тўйчибой ДУСМАТОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

обуна
бўлдингизми?



ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газета ва журналлари учун обуна 31 октябргача давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишарди.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтаемиз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.

ТЕРИМ КUNДАЛИГИ

Вилоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 10 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фойз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган, унчинчи устун — мавсум бошидан буюн; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буюн.				
Коммунистик	3,39	89,48	3,89	106,86
Ўрта Чирчиқ	4,96	86,86	6,26	106,58
Бекобод	2,46	80,34	2,48	81,79
Бўка	4,35	79,41	5,17	90,34
Оққўрғон	3,24	79,41	3,77	87,78
Пискент	3,51	76,85	3,95	75,96
Галаба	4,02	75,50	4,84	87,27
Чирчиқ	3,61	75,25	4,35	70,17
Янгийўл	3,46	63,70	3,85	63,83

Вилоят бўйича 3,67 78,94 4,08 83,13



СОФИЯ. Болгария иктидсий, иқтисодий ва саноций муаммолар кескинлашувини бошидан кечираватган бир пайтда жонотчилик ҳам энг иқтисодий масалалардан бирига айланмоқда.

Шу йилнинг дастлабки түзүш ойи давомида мамлакатда 35914 та жонот сизат этилди. Айниқса Бургас, Пловдив, Киржалли ва Ямболда возият ташвишли. Ана шу гайри конуний харакатларнинг анча қисми оғир жонотлар эканлигиндан хуқуқий мухофиза қилиш органлари ташвишланмоқдалар: талончилик, номуспа тегиш куйамоқда. Бундай жонотлар куйнча жуда шафқатсизлик билан амалга оширилмоқда. Болгария Ички ишлар вазирлигининг масул ходими Эмил Николов «Отечествен вестник» газетасы мухбири билан сухбатда шуларни хабар қилди.

Унинг гапларига қараганда, гөрезили максатларда кичи бошқа жонотларни яшириш үчүн қотиллик қилиш сонин куйбай бормоқда. Автомобил хэтивт бисмалар жуда тақчил бўлиб қалган шароитда автомобиллар ва уларнинг хэтивт қисиларини ўғирлаш хуқ маркази куйайди. Ана бир «доллар» тамойил: уларни буйзи кириб ўғирлик қилишнинг куйаганлигидир. Давлат ва кооператив омибларни, умумий ошқаланиш корхоналарини эшикларини буйзи талаб кетишмоқда. Уғриллар кофе, спиртли ичимликлар, сигареталар, рўзгор электр техникасини олиб кетишмоқда. Олтин ва кумуш буюмларни, пул, маданий бойликларни ўғирлаш қоллари ҳам кам эмас.

Жонотларнинг* 16,2 фоизини бөлөгөтга етмагяларни содир этмоқда (бу курастичи ўтган йилнинг дастлабки түзүш ойида 11,4 фоизини ташкил этган эди). Мамлакатда уюшган жонотчилик мавжуд. Ушбу иқтисодий иллатга қарши курашнинг самардорлигига келгенда эса, бу соҳадаги энс куйнлгидегидек эмас. Юқориде айтилган дөврий 36 минг жонотдан атиги 41 фоиз очилди.

(93ТАГ).

